

ХОНА ГУЛЛАРИ ПАРВАРИШИ



ТОШКЕНТ
«DAVR PRESS»
2008

Хонадонларимизга баҳорий тароват багишлаб турадиган гулларни ўстириш бирмунча қийин иш. Айниқса, алоҳида эътибор ва парваришни талаб этадиган хона гуллари инжиқ ва гўдақдек нозик бўлганлигидан уларни ўстириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин кўпчилигимиз қишда ҳам, ёзда ҳам уйимизда яшнаб турган гуллар бўлишини жуда хоҳлаймиз.

«Хона гуллари парвариши» деб номланган ушбу қўлланмага турли гулларни кўпайтириш, ўстириш ва парвариш қилишга оид қимматли маслаҳатлар, кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар киритилди. Қўлланма гулларни севадиган табиат шайдоларига яқиндан ёрдам бериши шубҳасиз.

Қўлланма кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчи: А.А.Имбирсинова — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Ботаника” илмий ишлаб чиқариш маркази катта илмий ходими, биология фанлари номзоди

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.
Китобдан кўчириб босиш нашриётнинг ёзма рухсати билан
амалга оширилиши лозим.

Тўпловчи: Муҳайё Рихсибекова

ISBN 978-9943-312-87-6

© «DAVR PRESS» нашриёти, 2008

ГУЛЛАР ҲАҚИДА

Хона шароитида гулларни ўстириш қачон ва қандай бошланганини айтиш қийин. Шундай бўлса-да яшаш жойи ва унинг атрофи ҳар доим баҳордагидек кўм-кўк бўлишини истаган, қолаверса, ҳаётдан гўзаллик излаган кишилар ниятидан бошланган дейиш мумкин. Бундан ташқари, янги географик масканларнинг очилиши табиат, ўсимлик дунёсини ўрганиш уларнинг дунё бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлди. Ер шарининг барча ҳудудларидан келтирилган турли манзарали гуллар маданийлаштирилиб, хонадонларда ўстирилиб парвариш қилинди. Алоэ, амариллис, бальзамин, бегония, герань, гиацинт, гортензия, драцена, кактус, хитой атиргули, хонаки лимон, мирт, олеандр, палма, примула, атиргул, традесканция, бинафшагуллар (фиалка), цикламен, цинерария, циперус, азалия, аспарагус, аспидистра, аукуба, глоксиния, жасмин, кальцеолария, лигиструм, монстера, папоротник, пеларгония, солянум, фатсия, фикус ва бошқалар шулар жумласидандир.

Табиат муъжизаси бўлган гулларнинг турлари ва хиллари жуда кўп. Хонаки гулларни ўстириш ва парвариш қилиш ҳақидаги мазкур қўлланмада уларнинг кенг тарқалган айрим турлари хусусида тўхталиб утилади.

Хонадонларда гул парвариш қилмоқчи бўлган киши гулларнинг қандай шароитда ўсганидан хабардор бўлиши учун ҳам унинг қаердан келтирилганини — ватанини билиши лозим.

Ўсимлик ҳақидаги маълумотлар, билимлар асосида эса уларнинг умумий парвариши тўғри йўлга қўйилади, керак вақтда керакли миқдорда суғорилади, иссиқ-совуққа чидамли-чидамсиз эканига қараб маълум ажратилган хоналарга жойлаштирилади, гулнинг табиатига мувофиқ келадиган тупроқли аралашмалар тайёрланади ва ҳ.к.

Хонаки гуллар одатда дераза тоқчаларида, гул туваклари қўйиладиган махсус мосламаларда туради. Гуллар уй ҳавосини тозаловчи вазифасини бажариш билан бирга киши руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Ахир ташқарида ёмғир, қор ёғиб турганида хонада яшнаб турган гуллар киши баҳри дилини очади-да. Шунинг учун ҳам гулларни парвариш қилувчи кишилар хонаки гулларнинг айрим турларини ёз мавсумида усти очиқ богчага, ерга экишни маъқул кўрадилар. Айниқса, бир йиллик ўсимлик кўп йиллик ўсимликлар билан богча шаклига мослаштирилиб, бошқа ўсимликлар билан ранги ва гулларига уйғунлаштирилиб экилса, бу бог кўркини янада очиб юборади.

Хона шароитида ўстириб парвариш қилинадиган гуллар ўз хусусиятидан келиб чиқиб *ёруғликни севувчи, соясевар* ва *сояга мослашувчи* турларга бўлинади.

— ёруғликни севувчи ўсимликлар ёруғлик кўп тушадиган жойда яхши ўсади (масалан, герань, қўнғироқча, кактус, афеляндра ва ҳ.к.).

— сояга чидамли, мослашувчан хонаки ўсимликлар ёруғликда ҳам, сояда ҳам бирдек ўсаверади (масалан, алоэ, плюш, аспарагус ва бошқалар).

— соясевар ўсимликлар ёруғлик тик тушмайдиган, ҳатто етарли бўлмаган соя жойда ўзини тутиб жуда яхши ўсади (папоротник, традесканция, аспидистра, кливия, рускус ва бошқалар).

Ўсимликларга ойна орқали тушадиган ёруғлик табиатдаги каби юқоридан, тик эмас, ён томондан тушиши керак. Дераза ойнаси ёруғликнинг деярли ярмини ютиб, ярмини ўтказади. Агар тувақдаги гул дераза ойнасидан 1 метрга узоқлаштирилса, ёруғлик нури камайиб, у 7,6 фоизга тушиб қолади. Шунга кўра ёруғлик бир дераза ойнасидан хонадаги ўсимликларга бир

хил тушади деб бўлмайди. Хонага ёруғлик тушиши куннинг узун-қисқалигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун кузги мавсумда тахминан 23 сентябрдан сўнг хонаки гул ва ўсимликларни қўзгатмасдан, қўшимча ёруғлик бериш мумкин бўлган жойга кўчириш керак. Бунда 20-40 Вт бўлган лампалар ёқилиб, қўшимча ёруғлик берилади. Лампалар ўсимлик ва гулларга 10-40 см гача узоқликда туриши лозим. Лампалар қоронғи туша бошлаганида ёқилади ва тахминан 10-12 соатга ёқиб қўйилади. Шу тариқа баҳор мавсумигача чироқ ёқиш соати секин-аста камайтириб борилади ва март ойларида тўхтатилади.

Олимларнинг таъкидлашларича, кўпгина хонаки гул ва ўсимликлар хона микроиқлимига ижобий таъсир кўрсатади. Уларда хона шароитида тез кўпаядиган зарарли микроорганизмларни ўлдирувчи учадиган фитонцидлар мавжуд. Ҳатто шундай ўсимликлар ҳам борки, улар компьютерда ишловчи, уй-рўзғорда қўлланадиган электр асбобларни кўп ишлатадиган кишиларни электромагнит майдони таъсиридан сақлайди (Масалан, кактус, семизўт, каланхоэ ва бошқалар).


Дифенбахия гулининг барглари йирик, овал шаклида бўлиб, чиройли чизиқлари бор ва у ўзидан ажойиб ҳид таратади. Дифенбахия ўз хусусиятига кўра «экзотика» номини олган. Бу гулнинг бўйи навига қараб турлича: баъзилари 2 м ва ундан ортиқ бўлса, баъзи турларининг бўйи 15-20 см дан ошмайди. Бу гул хонада бўлган вақтда ҳавони тозалайди. Салбий томони: унинг саргайган, қуриган баргларини кесган заҳоти қўлни тезда совунлаб ювиш керак, чунки у ўзидан заҳарли сув чиқаради. Шунингдек заҳарли сувнинг оғиз ва кўзга сачрашидан сақланиш лозим.

Папоротниклар — агар хона деразаси шимолга қараган бўлиб, хона у қадар ёруғ бўлмаса, бундай жойда бемалол папоротникларни ўстириб кўпайтириш мумкин. Унинг жимжимали барглари тезда диққатни ўзига тортади. Папоротникларни ўстириш айрим кишилар таъкидлаганидек унчалик қийин эмас. Фақат бу ўсимликларнинг турини парвариш қилишда баъзи қоидаларга риоя қилиш керак, холос.

Папоротникларга нам ҳаво шароитини яратиш лозим. Қуруқ хонада унинг барглари қуриб сарғая бошлайди. Шунинг учун папоротникларга тез-тез сув пуркаб турилади. Бу ўсимлик қуёш нурини ёқтирмайди. Папоротникнинг илдизи ингичка, тез ўсувчи бўлгани учун торф аралаштирилган юмшоқ ерда — тупроқда яхши ўсади. Ўсимлик намликни яхши кўради деб тувакни «ботқоққа айлантириш» ҳам ярамайди. Уни кўпайтириш учун эски новдасини экиш пайтида иккига бўлиш керак. Папоротникнинг баъзи турлари ёш новдалар чиқаради, яна баъзи турлари эса, баргларидан кўпайтирилади. Хона шароитига нефролепис папоротниклари тезда мослашади. Улар хонанинг қуруқ ҳавосига чидамли, соя жойда ҳам яхши ўсаверади. Унинг патсимон барглари кўпинча гулдасталар ясаш учун ишлатилади.

Фикуслар — бир вақтлар Ҳиндистоннинг тропик ўрмонларида қалин бутазорлар ҳосил қилиб ўсиб ётган бу ўсимлик кейинчалик каучук олиш учун плантацияларда ўстирилган. Мана бир неча юз йиллардан бери фикус ўсимлиги хонадонларда ўстирилади. Ҳозирда фикуснинг «Бенжамин» тури кенг тарқалган. Унинг барглари ўртача катталиқда учли бўлиб овал шаклига эга. Уйингиздаги катта хоналарни безатмоқчи бўлсангиз, фикуснинг энг йирик тури «лирата»дан фойдаланганингиз маъқул. Гитара шаклини эслатувчи қалин, барглари зич жойлашган бу гулнинг бўйи 1,5 м дан ошади. Шунингдек, ҳар қандай шароитга чидамли бу гулни кўпайтириш жуда осон.

Амариллис — кўп йиллик пиёзбошли ўсимлик. Амариллиснинг ватани Жанубий Африка. Хона шароити ва богчаларда ўстириш учун маданийлаштирилган. Барглари узун-узун, лентасимон бўлиб, гуллари оқ, пушти, оч қизил рангда бўлади. Гул япроқларида йўл-йўл чизиқлар бор. Амариллис гулининг шакли лилия гулини эслатади. Амариллис уруғи ва пиёзчасидан кўпайтирилади. Пиёзчаси тувакка сентябр-октябр ойларида экилади. У иккинчи-учинчи йилга келиб гулга киради. Амариллис баҳор мавсумида, апрел-май ойларида гуллайди. Гуллаш вақти





қиш мавсумига тўғри келганда эса хона ҳарорати +20-25 даража илиқ бўлиши керак. Гуллари йирик, ўзига хос ҳидга эга, узун поясида битта ёки 2-4 гулкосаси бўлади. Амариллис гули очилиб қуригач, пояси кесиб ташланади. Ўсимлик гуллаб бўлганидан сўнг тупроғини янгилаш керак. Гулни бошқа тувакка ўтқазаётган вақтда унинг илдизлари калталатилмайди, балки касалланган, ингичкалашиб қолган томирчалари ўткир қайчи ёки пичоқ билан кесиб ташланади. Пиёзбошидан чиққан янги пиёзчалари (иккита узун-узун барглари билан) бошқа тувакка экилади. Ўсимлик бошқа тувакка ўтқазилгач, гул туваги билан ҳарорат +8-10 даража илиқ бўлган қоронги жойга қўйилади. Бу вақтда ўсимликка сув қўйиш камайтирилади. Декабрь ойларига келиб эса амариллис ўтқазилган тувак ёруғлик тушадиган жойга қўйилади ва мунтазам равишда сув қўйиб турилади. Баҳор фаслига келиб пиёзчасидан ёки уруғидан янги барглار ўсиб чиқа бошлайди.

Бегония — япроқларида чиройли чизиқ ва доглари бўлган кўп йиллик ўсимлик. Хона шароитида бегониянинг — реке ва креднери ҳамда улар билан чатиштирилган бошқа турлари ўстирилади. Бегония совуққа чидамсиз ўсимлик. Шунинг учун бу ўсимлик ёруғ ва ҳарорати илиқ бўлган хонада ўстирилади. Бегония баргчалари, қаламчалари ва уруғидан кўпайтирилади. Бунинг учун қаламчаси ёки барги пояси билан сувга солиб қўйилади, илдиз чиқаргач эса улар декабр-феврал ойларида тувакка ўтқазилади. Уруғи жуда майда бўлиб, экилганида бир текис чиқмайди (бир жойда қалин, яна бир жойда сийрак бўлиб чиқиши мумкин). Шунинг учун уруғлар тувакда ёки экилаётган идишда бир текис тарқалиши учун уруғ устига озгина тупроқ сепиб устини саёз қилиб ёпиш керак (уруғ устини юпқа қор қатлами билан ҳам ёпиш мумкин). Сўнг тувак ёки уруғ экилган идиш дераза токчасига қўйилади ва усти шиша билан ёпилади. Бунда хона ҳарорати +20-25 даража илиқ бўлиши керак. Уруғлар униб чиққач, аввал яшикка сийрак қилиб экилади. Кейин эса диаметри 9 см бўлган тувакларга қайта ўтқазилади.

Герань (пеларгония) — кўп йиллик яшил бу ўсимликнинг ватани Жанубий Африка. Герань баргли қаламчаларидан баҳорда — март, ёзда — август ойларида кўпайтирилади. Гуллари йирик бўлган геранни август ойида эккан маъқулроқ. Қаламчалар кесилганидан кейин озгина сўлиди, кейин қум билан аралаштирилган енгил, ажриқли ерга ўтқазилади. Ўтқазилган кўчат тагига мунтазам сув қуйиб туриш натижасида тупроқ остида ўзи 15-25 кун ичида илдиз ота бошлайди. Шундан сўнг герань гул кўчати диаметри 8 см бўлган гултувакка ўтқазилади, ёзда тез-тез сув қуйиб турилади, тагига ҳар икки ҳафтада минерал ўғит ва органик бирикмали аралашмалар солинади. Қиш ойларида эса герань гулига сув қуйиш камайитирилади. Бу гул турини ҳар баҳорда боғча ва гулзорларга экиш керак. Баҳорда экилган герань шу йили ёздаёқ гулга киради. Гуллари майда, оқ, пушти, қизил рангда бўлади.

Глоксиния — баргларининг усти майин тук билан қопланган, чиройли гуллайдиган ўсимлик. Гуллари йирик бўлиб ранги турлича. Бу ўсимлик тўғри парвариш қилинганда битта кўчатида 50 тагача гул очилиши мумкин. Глоксиния ёз бўйи гуллайди. Хонаки гулнинг бу тури уруғлари, тугунаклари ва япроқли қаламчаларидан кўпайтирилади. Глоксиния гулининг ёш кўчати тувакка ўтқазилади ва ернинг озиқланиши учун гул атрофига гир айлантириб ўғит эритилган сув (ўғитли шарбат) қуйилади.

Гортензия — ватани Япония ва Хитой. Гуллари оқ, пушти, қизғиш тусда бўлади, гули йирик юмалоқ шаклда бўлиб, новдалари учида гуллайди. Тувакка экилган ўсимликнинг гули 3-6 тагача етади. Олти ой давомида мунтазам гуллаб туради. Қишда ўсимлик барглари тўкилади. Қизғиш ва пушти тусли гулли гортензия ўсимлиги ерга экилганда таркибида темир бирикмалари бўлгани учун гуллари оч ҳаво ранг тусга киради. Гулининг ҳиди бўлмайди.

Гортензия кўк қаламчасидан январдан апрел ойигача бўлган вақт оралигида кўпайтирилади. Кўпайтириш учун қаламча илдизолди новдасидан олинади. Қаламча олинган заҳоти кўл

атрофидан олинган нам қумга (қум, албатта, тувакка ёки бирон бир идишга, масалан, яшикка солинади) экилиши керак. Ҳарорати +18-20 даража илиқ бўлган шароитда кучат усти шиша идиш билан ёпиб қўйилади. Кучатни парвариш қилишда эса уни қуёш нури тўғри тушадиган жойга қўймаслик керак. Бир кунда бир неча марта сув пуркаш ва шамоллатиш етарли. Қаламчалар 2-3 ҳафтадан кейин илдиз отади, шундан кейингина гул кучати ажриқли қум аралашган тупроқ тўлдирилган, диаметри 9 см ли тувакка ўтқазилади. Ёзга келиб гул диаметри 13-15 см ли тувакка ўтқазилади. Гул экиладиган тупроққа майдаланган шох-шаббаларни ҳам қўшиш мумкин. Гул новдаси ёнларига ўсиши учун ўсимликнинг ортиқча новдаларининг учлари кесилади. Гортензия сувни «яхши кўради». Шунинг учун унга тез-тез сув қўйиб, сугориб туриш керак. Кузда гортензия салқин, ҳарорат +28 даражагача илиқ бўлган жойга қўйилади. Ҳавода намгарчилик етарли бўлгани учун сув камроқ қўйилади, фақат тупроғи қуриб қолмаслиги учунгина сув пуркаб турилади, холос. Январ ойида эса гортензия гули хонага олиб кирилади, янги барглар, новдалар чиқаётгани учун сув қўйиш сони ва миқдори озгина кўпайтирилади. Ўсимлик гулга кираётган пайтда 2-3 марта ўғит эритилган сув (ўғитли шарбат) қўйиш керак бўлади. Гортензия апрел-май ойларида гуллайди. Гуллаб бўлганидан кейин гул чиққан новдаси кесиб олинади ва ерга ўтқазилади. Бу қаламча бош туп сифатида яна қайта экилади, шундагина гортензиянинг кейинги йили очиладиган гули яна ҳам чиройли, озиқланган ва мустаҳкам бўлади.

Жасмин — ёруғликни хуш кўрадиган бу ўсимлик, ёруғлик яхши тушадиган хонада ўстирилиб, парвариш қилинади. Жасмин новдаси ва қаламчасидан кўпайтирилади. Илдиз чиқарган новда ёки қаламчалар тувакка ўтқазилади. Бу ўсимликни доимий равишда сугориб, тагига озиқлантирувчи ўғитлар селиб туриш керак.

Кливия — узун-узун, серсув барглardan иборат гул. Унинг ранги ёрқин сариқ, тўқ пушти, олов ранг бўлиб, улар барглар орасида қалин гулкосаларида очилади. Мавсумда доимий

гуллаб туради. Битта йирик туп кўчатида 20 тагача гул бўлади. Кливияни гуллаш даврида ёруглик кўп ва яхши тушадиган жойга олиб қўйиш керак (қуёш нури тўғри тушадиган жойга эмас). Гул тез-тез сугорилади ва ўғитли суюқлик (шарбат) қўйиб турилади. Кливия мослашувчан ўсимлик ҳисобланади. Хона ҳароратига тез мослашувчи бу гул узоқ вақт сувсизликка чидай олади. Кливия бачкисидан (яъни илдизидан чиққан янги новдаси) ва уругидан кўпайтирилади. Ўсимлик экилганидан кейин учинчи йилида гулга киради. Кливия гуллаганидан кейин, 2-3 йил ўтиб ерга ўтқазилади. Бунда юмшоқ, қалин илдизларига зарар етказмаслик учун эҳтиёткорлик билан иш қилиш керак. Кливияни гуллашидан олдин ва гуллаган вақтида ўғитли суюқлик билан сугориш лозим. Ёзнинг сўнгги кунларига келиб эса кливия гули кўчати салқин жойга олиб қўйилади ва сугориш камайтирилади.

Хонаки клен (абутелен) — япроқларида оқ-ола доглари бўлган доимий яшил, шох-шаббали ўсимлик. Гулларининг ранги ҳар хил, қўнгироқча шаклида. Клен уругидан ва қаламчасидан кўпайтирилади. Тўғри парвариш қилинганда уруг 20-21 кунда униб чиқади. Ёш униб чиққан кўчат тувакларга ўтқазилади. Клен экилганидан кейин 5 ой ўтиб гуллайди.

Олеандр — узун, ҳамиша яшил рангдаги дарахтсимон ўсимликнинг ватани Ўртаер денгизи. Уй шароитида ўстириш учун маданийлаштирилган. Шохчалари кичкина, баъзан бу ўсимликнинг ён тарафларига тарвақайлаб ўсиши, думалоқ кўринишга эга бўлиши учун узун новдасининг учларидан кесиб, бутаб турилади. Ёзда ёруглик ва иссиқликни кўп талаб қилади, шунинг учун олеандрни ҳеч қўрқмай жанубга қараган дераза токчасига қўйиш мумкин. Гуллари ўзига хос ҳидга эга. Ранги оқ, пушти, қизил, камдан-кам ҳолларда сариқ бўлади. Олеандр йирик ўсимлик бўлгани учун уларни катта тувакларга эккан маъқул. Бу ўсимликнинг тупроғини ҳар йили янгилаш шарт эмас. Баҳор, ёз ойларида олеандр гулини минералларга бой ўғитлар билан озиқлантириш керак (ўғит таркибида азот,

фосфор, калий бўлиши керак). Олеандр ўсимлигининг ҳамма қисмидан чиқадиған шарбати (суви) заҳарли, шунинг учун унга ишлов бераётганда ўта эҳтиёткор бўлиш талаб қилинади. Айниқса, олеандр сувининг кўзга сачрашидан сақланиш керак. Олеандрни кўпайтириш жуда осон. Шохчаларининг юқори қисмидан кесиб олиниб сувга солиб қўйилади (ёки шохча илдиз отгунча нам қумга ҳам экиб қўйилиши мумкин). Шохчалар илдиз отгач, махсус тувакларга ўтқазилади.

Примула (первоцвет) — энг кўп тарқалган тури унча катта бўлмаған бута кўринишида, гуллари эса катта ва тўп-тўп бўлади. Гулларининг ранги турлича. Примула уруғи, қаламчаси ва новдасидан кўпайтирилади. Хона шароитида кўп ҳолларда новдасидан кўпайтирилади. Бунинг учун примуланинг бош тупи — пояси усти баҳорда нам мохлар (пўпанак) ёпиб қўйилади. Поянинг ҳар бир шохчасидан илдиз чиқади, сўнг шохчалар бош тупдан илдизи билан ажратиб олиниб тувакларга ўтқазилади. Примула ёруғликни севадиган ўсимлик, шундай бўлса-да, уни қуёш нури тўғри тушиб турадиган жойга қўйиб бўлмайди. Баҳор ва ёз кунларида бу гул тез-тез сугорилиб турилади. Куз ва қиш фаслида эса примула +10–12 даражагача илиқ бўлган жойга қўйилиб, сугориш ишлари камайтирилади. Примуланинг тупроғи ҳар баҳорда янгиланади.

Аспарагус ёки спаржа — кенг тарқалган хона ўсимлиги. Аспарагусни экиш учун ернинг бир қисми чиритилган тупроқ, бир қисми богча тупроғи, ярим қисми йирик қумдан иборат бўлиши керак. Бу ўсимликни ўстириш ва кўпайтириш учун уларни ҳар йили ўртача тувакларга экиш керак. Катта тувакларга эса бир йилдан сўнг ўтқазилади. Кўчат ўтқазиладиган туваклар оддий ва содда сополдан бўлиши зарур. Аспарагус гули баҳор ва ёз ойларида озиқлантирилади. Бунинг учун ўғитли шарбат ва минерал ўғитлар эритмасидан фойдаланилади. Гул озиқлантиришга муҳтожлик сезганда барглари саргая бошлайди. Ёз кунларида бу гулни ёруғ хонага қўйиш керак. Шунингдек, қуёш нуридан ҳам сақлаш лозим. Аспарагус

эрталаб ёки кечқурун сугорилади. Гул уруғ ва шохчаларидан кўпайтирилади.

Драцена — лилиялилар оиласига кирувчи кўп йиллик ўсимлик. Ватани Жанубий Африка. Хона шароитида драценанинг оддий, ҳидди тури ўстирилади. Барглари тўқ яшил рангда, силлиқ, учлари тўлқинсимон. Бу ўсимлик алоҳида, махсус парвариш талаб қилмайди. Шимолга қараган дераза токчасига қўйилса, жуда яхши ўсади. Агар дераза жануб томонга қараган бўлса, драценага қуёш нури тушмаслиги учун уни столга ёки дераза тагига — полга қўйиш керак. У намликни яхши кўради, лекин сугорганда тупроғида сув туриб қолмаслиги керак. Тупроғида намлик етарли бўлса бўлди, шунинг ўзи гулнинг яхши ўсишига қулай шароит яратади. Тувакнинг катта бўлиши ҳам шарт эмас. Тупроғига азотли аммоний ўғитини ишлатган маъқул (1 литр сувга 1 грамм азотли аммоний солиб эритилади, эритма ҳафтада бир марта гулга қўйилади). Драцена экилган тувак тупроғи ҳар йили ёки икки йилда бир марта алмаштирилади. Барглари доимий равишда ювилади ёки артиб турилади. Драцена шохчасининг юқори қисми кесиб олиниб кўпайтирилади, уни ёш новдаларидан ҳам кўпайтириш мумкин.

Олтин дарахт (аукуба) — кўп баргли, доғлари бор ва ҳамиша яшил бўлиб турадиган бутасимон ўсимлик. Барглари қалин, яшил, усти силлиқ бўлгани учун ялтираб туради, баргларида сариқ доғлари бор. Аукуба қаламчасидан кўпайтирилади. Бунинг учун баҳорда гулнинг устки шохчалари кесиб олинади. Олтин дарахти озуқаларга бой, тўйимли ва қуввати кучли тупроққа экилади. Баҳор ва ёзда ўғитли шарбат билан сугорилади. Ёзда тез-тез сув қўйиб турилади. Баргларига сув пуркалади. Қишда сугориш ишлари камайитирилади.

Колеус — барглари табиий безалган, ранги, тусини ўзгартиргани учун ноёб ўсимлик сифатида хонадонларда кўпайтирилиб ўстирилади. Қуёш нури тушиб турадиган дераза токчасида у рангини яна ҳам кўп ўзгартиради. Битта баргнинг

ўзи ҳам қизил, ҳам сариқ, ҳам пушти, ҳам бинафша рангларига кириши мумкин. Колеус экиладиган тупроқ таркиби енгил бўлиши керак. Бу ўсимлик ҳам намликни севувчи гуллардан ҳисобланади. Колеус қаламчаларидан кўпайтирилади. Қаламчалар тезда илдиз беради.

Циперус — поясининг узунлиги 1 метргача етадиган ботқоқ ўсимлиги ҳисобланади. Поясининг учидан бир нечта ингичка узун барглар чиқади. Циперуснинг альтернифолиус тури хонакилаштирилган ва бу тури Мадагаскар оролларида кўпайтирилган. Циперуснинг тупроги у қадар алоҳида парваришга муҳтож эмас, лекин намликни севади. Аквариум ва саёз бўлмаган, чуқур гултувак тагликларида, банкаларда ҳам ўсаверади (сув қўйиб қўйилган шароитда, албатта). Циперус илдизи, уруғи ва ёш баргларидадан ўстирилади. Бунинг учун пояси учигаги бир тўп барги олинади ва ўша барги тупроққа экиб қўйилади.

Плюш — чирмашиб ўсувчи маданий бу ўсимлик юрак шаклидаги чиройли, яшил барглари учун хонадонларда ўстирилади. Битта тувақдаги гулнинг ўзи хона деворлари ва шипини ўраб олиши мумкин. Плюшнинг икки тури мавжуд: бири шотланд тури, яна бири жайдари тури. Плюшнинг бу иккала тури иссиқ хонада ҳам, салқин хонада ҳам ўсаверади. Бу ўсимлик қаламчасидан кўпайтирилади, илдиз отгач эса оддий тупроқ солинган тувакка экилади. Плюш йилда бир марта эрта баҳорда экилади.

Лимон — мевали, ҳамиша яшил тусдаги ўсимлик. Хона шароитида Павловск, Майера, Новоафонск, Эврика турлари ўстирилади. Лимон қаламчасидан кўпайтирилади. Сувга солинган қаламча илдиз бергач, тувакларга экилади. Маданийлаштирилган лимон ўсимлигини уругидан ҳам кўпайтирса бўлади (кўпайтиришнинг бу усулида лимон ўсимлигининг янги нави олинади). Лимоннинг ёш кучати баҳор ойларида йилда бир марта ўтқазилади. Катта ёшдаги туплари эса 3-5 йилда

ўтқазилади. Лимон иссиқсевар ўсимлик ҳисобланади. Шунинг учун уни қуёш, ёруғлик тушадиган дераза тоқчасига қўйган маъқул. Қишда лимон ҳарорат +8-15 даража илиқ хоналарда парвариш қилинади. Ёзда эса уни ташқарига, боғчага олиб чиқиш мумкин. Лимон ўсимлиги яхши ҳосил бериши учун уни мева берадиган шохларини қолдириб бутаб туриш керак (усиб кетган узун шохчалари учидан кесилади). Лимон мева бериши учун сунъий чанглантириш ишлари олиб борилади. Лимон мева туғиши билан уни сугориш кўпайтирилади. Ўсаётган вақтда 2-3 марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади.

Традесканция — ҳамиша яшил тусдаги ўсимлик, халқ тилидаги номи «чақимчи» деб ҳам аталади. Ватани Америка. Традесканциянинг хонакилаштирилган турлари баргларининг ранги билан бир-биридан фарқ қилади. Улар барги чизик-чизикли яшил, ним пушти, кумуш ранг, ола-була, сариқ доғли бўлади. Ўсимлик новдасидан ўсиб кетавергани учун деворларга осиб қўйилади. У салқин ва илиқ жойда ҳам ўсиб кетаверади (жуда мослашувчан ўсимлик). Ёзда тез-тез сугорилади, қишда эса камроқ. Традесканция қаламчасидан баҳордан кузгача бўлган вақтда кўпайтирилади. Бир нечта қаламчаси (4 та) тувак четига экилади (кейинчалик тувакнинг бошқа четларидан бошқа янги новдалар ушиб чиқади). Бу қаламчаларни бошқа тувакларга ўтқазиб экиш шарт эмас.

КАКТУСЛАР ДУНЁСИ

Ребуция — ватани Жанубий Америка чўллари.

Бу кактус француз богбони П. Ребью исми билан аталган. Бу ўсимлик думалоқ шаклда бўлиб, майда бўртиб чиққан жойлари тукчалар билан қопланган. Бўйи баланд эмас, бўртмачалари шарсимон поясида ўсади ва спирал кўринишида айлана ҳосил қилади. Тиканлари ёрқин, юмшоқ, калта. Ребуция 2-3 ёшда бутун ёз бўйи гуллайди. Гуллари бир нечта бўлиб тиканли шарчани ўраб олади. Гуллари йирик — 3-6 см диаметра, узунлиги 2,5-5 см га етади. Гули 4 кунгача туради, кечаси ёпилади. Гули қуригач, атрофга уруғи сочилади. Кактуснинг бу тури тўп-тўп

бўлиб ўсиши кузатилади. Тўпидан ажралган ҳолда бу кактус 3-4 йил яшайди. Умри гуллаганидан сўнг тугайди. Лекин шу қисқа умри давомида кўпгина уруғ ташлаб кетади.

Ребуциянинг диаметри 5 см га етадиган думалоқ пояли бу тури кенг тарқалган. Ёз бошларида олов ранг ёки пушти рангда гуллайди. Бу кактуснинг грандифлора тури йирик гул беради, виоласифлора тури эса, пушти рангда гуллайди. Ребуциянинг энг ёш авлоди пигмая (бўйи 2,5 см), йириклари куппера, сенилис (8-10 см баландликкача ўсади) ҳисобланади.

Парвариши.

Ребуция Боливия тоғларининг соя жойларида, Аргентинанинг шимолий штатларида ўсади. Хона шароитида эса у саёз тувакларда, одатий тупроқли аралашмаларда ўстирилади. Ребуция ёзда қуёшли балконга қўйилади. Куннинг иккинчи ярмида эса сояга олинади. Унга мунтазам равишда сув қуйиб туриш керак. Сугориш ишлари олдинги қўйилган сув қуриганидан сўнг олиб борилади. Кактус гуллагач, сугориш тўхтатилади. Қишда кактус сақланадиган хона ҳарорати +8-10 даража илиқ бўлиши керак. Қишда эса улар деярли сугорилмайди. Баҳорда гунча пайдо бўлиши билан тупроғи енгилгина юмшатилади, сув пуркалади ва гул тувағи билан илиқ жойга олиб қўйилади. Кактусни мунтазам сугориш гунчаларга ранг кирганидан сўнг бошланади.

Ребуция уругидан кўпайтирилади.

Касалликка чалиниш ҳолатлари.

Мита, қизил клапа ва қўнгизлардан зарарланади. Жуда кўп сув қуйганда илдири чириydi. Ҳашаротлар билан зарарланганда «Фуфанон» дориси ишлатилади.

Астрофитум — ватани Мексика.

Астрофитум барча кактусларнинг «юдузи» ҳисобланади. Пояси қалин, гўштли думалоқ шаклда бўлади. Усти безакли тиканлар билан қопланган. Бутун ёз бўйи очилиб турадиган сариқ гули киши диққатини ўзига тортади. Астрофитумнинг

кенг тарқалган тури «епископ митраси» ҳисобланади. У яшил-кулранг тусда, усти оқиш парда билан қопланган бўлади. Шакли билан епископ бош кийимини (митра) эслатади. Сариқ гуллари ипақдек мулойим кўринади. Кактус ўстирувчиларнинг коллекциясида астрофитумнинг «безатилган» (ornatum) тури, албатта, бўлади. Унинг пояси думалоқ, вақт ўтиши билан шакли ўзгаради, қовургаси 8 та бўлади, хона шароитида ўстирилганда бўйи 1 метргача етади.

Парвариши.

Астрофитум ўз ватани Техас ва Мексикада вулқон отилган серунум ерларда ёки ёгингарчилик кам жойларда ўсади. Унинг маданийлаштирилган турини ўстириш учун эса қумли тупроқ керак бўлади: йирик қум, қуришиб шамоллатилган лой, илдизли ва хазонли чиринди тупроқ (нисбати 3:1; 1:1). Бу тупроқ аралашмаси зарарли замбуруглардан, бактерия ва ҳашаротлардан тозаланиши учун +60-65 даражагача қиздирилади. Совигач, аралашмага эски, чириган ёғоч қипиги ва мрамар кукуни қўшилади. Шунингдек, унга суяк кукуни ёки суперфосфат аралаштирилади (бир гул тувак тупроқли аралашмага 1 ош қошиқ суперфосфат). Аралашмага сув қуйилади, сўнг қурилади. Экиш ишлари тупроқ бир текис нам бўлганда олиб борилади. Кактусни шундай ўтқазиш керакки, тупроқ илдизли қисмни кўмсин, кактуснинг яшил поясига тегмасин.

Кактусни кўчириб ўтқазиш ва экиш баҳор ойларининг сўнгида амалга оширилади. Сабаби: ёз бошланиши билан бу кактуснинг илдизли қисми ўсади, тез ривожланади. Баҳор ва кузда эса поя ўсиб чиқа бошлайди. Кактуснинг бу тури жуда секин ўсади, 5 йилда диаметри атиги 5-7 см га етади. Уларнинг бу ёшида гуллаганини куриш мумкин. Астрофитум ёругликсевар, лекин ўта ёруглик уни зарарлайди. Ҳатто баҳор ойларида ёрқин қуёш нурида қуйиши мумкин. Шунинг учун бу кактуснинг кўпайиш мавсумида қари пояларни озиқлантириш лозим: 1 чой қошиқ суяк кукуни тупроқ устига сепилади. Илиқ кунларда астрофитум сув пуркагич ёрдамида ҳафтада 1-2 марта суғорилади, тупроғи

доимо 2-3 см қалинликда енгил нам бўлиб туриши керак. Тез-тез сугориш оқибатида уларни касаллантириб қўйиш мумкин. Қишда бу кактуслар +10-15 даража илиқ хоналарда сақланиб, 2-3 ҳафтада бир марта сугорилади. Астрофитум кўчириб ўтқазилмайди. Агар бошқа тувакка ўтқазиш жуда зарур бўлса, лойли илдизи билан тувакдан ағдариб олиниб, янги тувакка экилади.

Астрофитум қаламча, новда бермайди, у фақат уруғларидан кўпайтирилади.

Бразиликактус — ватани шимолий Уругвай, жанубий Бразилия.

Бу унча йирик шаклга эга бўлмаган жуда ҳам чиройли кактус туридир. У кўпгина қовургаларга эга бўлиб, ўзи думалоқ шаклда, диаметри 10-12 см бўлади. Тиканлари қисқа, игнали, кумуш ёки тилла рангда. Гуллари ҳам жуда кўп бўлиб, майда ва кактуснинг устки қисмида очилади. Уни куннинг иккинчи ярмида, албатта, соя жойга қўйиш керак.

Бразиликактуслар учун чириндилар билан бойитилган тупроқ зарур. Ёзда тез-тез сув пуркаш билан намлантириб турилади, қишда кактус +8-12 даража илиқ хоналарда сақланади, қишда ҳам тупроги бирозгина намланиб туриши керак. Бразиликактуслар бошқа кактуслардан кўринишининг чиройлилиги ва баландлиги билан ажралиб туради. У баҳорда гуллайди. Хона шароитида кўпайтириб парвариш қилишга жуда қулай. Кактус ўстириб, кўпайтиришни истаган кишиларга ишни айнан бразиликактусдан бошлаш тавсия қилинади.

Бразиликактуслар уруғидан кўпайтирилади.

Гимнокалициум — ватани Боливия, Парагвай, жанубий Бразилия, Уругвай ва Аргентина. Унинг 80 дан ортиқ турлари мавжуд.

Бу кактуслар табиатда 100 метргача тоғ баландликларида учрайди. Улар ажриқли ерларда ўт ва тошлар орасида ўсади. Гимнокалициумнинг асосий белгилари — туксиз, фақат тангачалари бўлган косачадан иборат. Номи ҳам худди шу

белгилари асосида юзага келган (gymnos — яланғоч, calycium — косача). Кактус 3-4 ёшга етганида юқори қисмидан гуллайди. Гимнокалициум кактуслар ичида ажойиб хусусияти билан ажралиб туради. Унинг кўриниши, шакли, тиканлари кишида ўзига бўлган ишончни уйғотади, асабларни тинчлантиради. Чиройли тусдаги майин гуллари бир кўришдаёқ хотирада ўзоқ сақланади.

Гимнокалициумнинг кенг тарқалган ва машҳур бўлган нави Миханович деб аталади. Унинг пояси кулранг яшил тусда, бўйи 5 см га етади. Қовургалари 8-10 та бўлиб, учбурчак шаклда, четлари тўлқинсимон кўринишга эга. Гуллари оқ, яшил, пушти рангда бўлиб, асосан баҳорда гуллайди. Гимнокалициумнинг бу нави баъзан бир йилда бир неча марта гуллаши мумкин.

Гимнокалициум маданийлаштиришга мойил эмас. Улар ўз ватани, тупроғида жуда яхши ўсади. Ёруғликка ҳам у қадар муҳтож эмас. Агар уни хона шароитида ўстириб парвариш қилиш истаги туғилса, уйда бемалол ўсадиган навини танлай билиш керак ва айрим қоидаларни ёдда тутиш лозим бўлади.

Гимнокалициум иссиқхоналарда яхши ўсади. У ўстиралаётган тупроқли аралашма сифатли бўлиши талаб қилинади ва кам миқдорда сугорилади, шунингдек қуёш нури тик тушадиган жойга қўйилмайди. Гимнокалициум зараркунанда ва касалликларга ўта чидамли. Уруғи ва қаламчаларидан кўпайтирилади. Қаламчасидан кўпайтирилганда пайванд қилинади.

Нотокактус — ватани Жанубий Америка чўллари. Бу кактус Американинг жанубий қисмида (Бразилия, Парагвай, Уругвай, Аргентина) ўсгани учун номини жануб кактуслари деб атаса ҳам бўлади. Нотокактус қир-адир ва тепаликларда, кенг яйловларда ўсади. Улар ўсадиган иқлим: ёзда ёмғир кўп ёғади, қишда салқин бўлади. Нотокактус пояси юмалоқ ёки цилиндр шаклида, қовургалари яхши кўриниб туради, тиканлари кўп. Кактуснинг бу тури жуда секин ўсади. Хона шароитида яхши парвариш қилинганда 3-5 йилда гуллайди. Нотокактус турига кўра, гуллари майда, йирик, ранги сариқ, бинафша ранг бўлади. Поясида фақат битта гул очилади, баъзан бир неча гул очилиши ҳам мумкин. Гули 5 ва ундан ортиқ кунгача очилиб туради.

Гуллаш даври бутун ёз бўйи давом этади. Қуёш ва ёруғликни севадиган бу гулни баҳор ва ёзнинг жазирама иссиқ кунларида соя жойга қўйиш лозим.

Парвариши.

Кактуснинг бу тури ўз ватанида тошли ерларда, тоғ-тошларнинг ёриқларида, сув тез сингиб кетувчи кўл атрофидаги қумликларда ўсиб кўпаяди. Шунинг учун ҳам улар ёзги мавсумда ёмғир кўп бўлишига қарамай, табиатда ҳеч қачон сувсизланиб қолмайди ёки ортиқча намгарчиликдан азият чекмайди. Шунга кўра, хона шароитида уларнинг ўсиши учун табиатдаги каби қўлайликни яратиш мушкул. Нотокактуснинг ўсиш даврида сув кам қўйилади (қачон сув қўйиш лозимлигини тупрогини ушлаб кўриб билиш мумкин). Қишда эса олдинги қўйилган сув бутунлай қуригач, сув қўйилади. Бу вақтда кактус оғирлигини йўқота бошлайди, қуриш белгилари кўринади. Нотокактуслар ёруғликни хуш кўради, ўсиш даврида улар учун кечаси ҳарорат +15-20 даража илиқ, кундузи +20-27 даража иссиқ бўлиши керак. Шунинг учун бу кактусни ёзда балконга қўйган маъқул.

Апрел ойдан сентябрга қадар бир ойда икки марта кактуслар учун махсус ўғитлаш ишларини олиб бориш керак. Қишда бу кактуслар ёруғ, қуруқ ва салқин (+5-10 даражали) хонада сақланади. Нотокактус уруғларидан кўпайтирилади.

Феррокактус — ватани АҚШ, Мексика.

Бу кактуснинг номи латинчадан таржима қилинган бўлиб, «ёввойи» деган маънони билдиради. У тошли ерларда, тоғ қияликларида, 500 метрдан 2000 метргача бўлган баландликларда ўсади. Пояларининг ўлчами турига қараб турлича бўлади. Баъзилари тик, бўйи 34 метрга етиб, диаметри 1 метр бўлса, яна баъзилари думалоқ шаклда, майда бўлади. Поясининг қовурғаси жуда кўп, тиканлари қалин, узунлиги 8 см гача боради. Тиканларининг ранги ҳар хил: оқ, сариқ, қизил, қора. Гули поясида очилади, унча катта эмас (диаметри 5 см).

Бу кактусни ўстириб парвариш қилиш бўйича турлича қарама-қарши фикрлар мавжуд. Ботаник олимларнинг бир

хулосаси умумий: феррокактус қанчалик парвариш қилинмасин, маданийлаштирилган шароитда улар гулламайди.

Феррокактус жуда секин ўсади. Улар гулламаса ҳам кактуслар коллекциясида ўзига хос ўринга эга. Бу кактус тиканларининг жойлашиши, шакли ва узунлигига ҳеч қайси кактус тенг келолмайди.

Парвариши.

Хонадонларда ўстириш учун феррокактусларга минералларга бой тупроқ керак. Уларни ўсиш даврида яхши парвариш қилиш лозим. Улар тез-тез сугорилади, озуқавий моддалар берилади. Қишда феррокактуслар ёруғ, салқин ва қуруқ жойда сақланади. Ёзда эса иссиқ жойга қўйиб, мунтазам сугориб туриш тавсия қилинади. Мабодо қиш мавсумида хонада намлик даражаси ортиб кетса, кактус «шамоллаб» қолиши мумкин. Бу ҳолатда кактусда доғлар пайдо бўла бошлайди.

Феррокактуслар уруғидан кўпайтирилади.

Эриокактус — ватани Парагвай, Жанубий Бразилия. «Эриокактус» сўзи грекчадан таржима қилинганда «тукли» маъносини англатади. Пояси шарсимон, бўйи 1 метрга етади, диаметри 12 см, қовургалари 40 тагача боради. Поясининг устки қисми силлиқ. Хона шароитида устирилганда қуёш нури тушишига қараб унинг жойини ўзгартирмаган маъқул. Табиатда эриокактуслар Бразилия чегараларида, Парагвайнинг тоғ-тошли ўрмонларида учрайди. Бу ернинг иқлими мох ва лишайникларнинг ўсиб кўпайиши учун жуда қулай, бу эса эриокактусларнинг яхши озиқланиб ўсишига ёрдам беради. Кактуснинг тиканлари жуда ингичка ва кўп. Улар 10-12 йилда гуллайди. Гули узунчоқ бўлиб узунлиги 3-6 см, диаметри 4-5 см бўлади, ранги сариқ ёки сарғиш яшил тусда. Кўп уруғ беради, бу кактус «инжиқ» эмас, шунинг учун парвариш қилишни бошлаётганда уни хонадонларда ўстириш тавсия қилинади.

Эриокактуснинг 6 та тури маълум.

Парвариши.

Ёзда тез-тез сугориб турилади. Қишда уларни +12-15 даража ва ундан юқори ҳароратли хоналарда сақлаш керак. Бошқа кактусларга қараганда тупроғини эҳтиёткорлик билан намлантириб туриш лозим.

Эриокактус уругидан кўпайтирилади.

Эхинокактус — ватани Марказий Мексика.

Эхинокактуслар АҚШнинг жанубида ва Мексикада ўсади. Пояси юмалоқ шаклда бўлиб, вақт ўтиши билан ушиб цилиндр кўринишига киради. Ёнидан поя чиқмайди (болаламайди). Пояси қовурғаларга бўлинган, улар аниқ-тиниқ кўзга ташланади. Ареоллари устидан қаттиқ тиканлар ўсиб чиққан. Эхинокактуснинг номи ҳам унинг кўриниши ва табиий хусусиятидан келиб чиққан, грекчадан «эхинокактус» — «денгиз кирпичи» деган маънони англатади. Поясининг устки қисмида ареолалар зич жойлашгани учун худди оппоқ, момиқ пар билан қопланганга ўхшайди.

Кактуснинг гули кўнгироқсимон, поясининг устида гуллайди. Ёпиқ жойларда (хона ва иссиқхоналарда) камдан-кам ҳолларда гуллайди. Эхинокактус ҳарорат юқори бўлган чўл ва тошли қияликларда яхши ўсади. Шунинг учун хонадонларда уларга «қуёшли» муҳитни яратиш керак, улар қишин-ёзин ёруғлик, қуёш нури тушадиган, ҳаво яхши айланадиган жойда сақланади. Қишда бу кактуслар учун +10-12 даража илиқ ҳарорат етарли ҳисобланади. Эхинокактус дераза тоқчаларига қўйилади, махсус кактуслар учун мўлжалланган иссиқхоналарда ўстирилади.

Парвариши.

Эхинокактуслар қуёш нурига тўйиши учун ёзда балконга 6 соатдан кам бўлмаган вақтга чиқарилиб, туни билан қолдирилади. Улар учун тунда +10-12 даража илиқ, кундузи +20-22 даража иссиқ ҳарорат етарли.

Ёзда уларнинг сувга талаби ошади, шунинг учун кактуслар тез-тез сугорилади, сув пуркалади. Кузда кунлар салқин бўлиши билан сугориш камайтирилиб, секин-аста тўхтатилади. Агар кактуслар иссиқхонада сақланса, қишда уларга кам сув қўйилади. Эхинокактусларга ёзда ҳар ойда озучавий моддалар

берилади. Ёш кактус ҳар йили кўчириб ўтқазилади, катта ёшдаги кактуслар эса 2-3 йилда бир марта тупроғига қипиқ аралаштирган ҳолда баҳор ойларида экилади.

Эхинокактуслар уругидан кўпайтирилади.

Эхинопсис — ватани Жанубий Америка. Эхинопсис гуруҳига кирувчи кактуслар ҳар қандай шароитга мослашиб кетадиган ўта чидамли ўсимликлардир. Бу кактуслар ёшлигида шар кўринишида, кейинчалик ўсиб, столба шаклига киради. Қовурғасидаги ареолаларда 20 тагача ўткир игналари бўлади. Гули оқ пушти, қизил, бинафша рангларида, узунлиги 20-25 см ва у кактус пояси усти ўртасидаги ареолада ён томонга қараб очилади. Кактус гули узоқ вақт очилиб турмайди. Атиги 1-2 кун туради, холос. Гулкосачаси пайдо бўлиши билан узоқ вақт очилиб турсин, деб гул тувагини айлантириб қўйиш ярамайди. Бу ҳолатда гул очилмай туриб косачаси тўкилиб кетиши мумкин.

Эхинопсис қуёшли ва ёруғ жойларни хуш кўради. Бу турдаги кактуслар Боливиядан тортиб Аргентина жанубигача тарқалган. Улар кўл бўйларида, тоғолди озуқавий минералларга, моддаларга бой серунум тупроқда яхши ўсади. Бу тур кактусни хонадонида парвариш қилмоқчи бўлганлар эхинопсиснинг жуда саёз тупроқда ўсишига аҳамият бериши керак, яъни кактуснинг илдизигина тупроққа кўмилса бўлади. Чуқур тувакларда бу кактус нобуд бўлади. Уни экиш учун одатий тупроқли аралашмадан ташқари (қум, хазон, чиритилган тупроқ), озгина тоза лой, тупроқ қўшиш мумкин. Эхинопсислар ёзда қуёш нури тўғри тушмайдиган балконларда ўстирилади. Уларга тоза ҳаво, намлик жуда фойдали.

Парвариши.

Эхинопсисга апрелдан сентябр ойларига қадар оз-оздан сув қуйилади. Бу даврда уларга ҳар ойда бир марта ўғитли озуқа берилади. Қишда эхинопсислар ёруғ хонага қўйилади ва деярли сугорилмайди. Уни ҳар йили кўчириб ўтқазиш керак. Бу турдаги кактус уругидан кўпайтирилади. Уругидан

кўпайтирилган кактуслар ёрқин рангда чиройли гуллайди. Шунингдек, уларни илдизидан ҳам кўпайтириш мумкин. Бунинг учун у ўстириладиган тупроқ аралашмаси енгил бўлиши, яъни қум ва чириган хазон аралашмадан таркиб топиши керак.

Эхинофоссулокактус — ватани Мексика, 40 қа яқин тури мавжуд.

Бу кактуснинг номи лотинча бўлиб, «кичик сув ҳавзаси кирписи» деган маънони билдиради. Табиатда ярим соя, бугалар, баланд ўт-ўланлар орасида ўсади. Пояси шарсимон шаклда, катта бўлганда 4-15 см га ўсиб, диаметри 6-12 см га кенгайиб узунчоқ кўринишга эга бўлади. Қовургалари ингичка, тўлқинсимон, баъзи вақтларда қовургалари 100 тадан ошади. Тиканлари йирик ёрқин рангда. Гуллари поянинг устки қисмида бинафша ранг, пушти тусда тўп-тўп бўлиб очилади. Гулкосачасининг четлари тўлқинли. Эхинофоссулокактусларнинг қовургалари шаклининг чиройлилиги, кўриниши билан юқори баҳоланади.

Бу турдаги кактуслар «инжиқ» эмас. Улар учун «оддий» агротехниканинг ўзи етарли. Богбоннинг ҳар қандай янглишиш — ларини «кечириб» юборади. Лекин бу кактуслар жуда кеч гулга киради. Эхинофоссулокактуслар жуда секин ўсади. 3-5 ёшга етгандагина қовургалари пайдо бўлади.

Парвариши.

Эхинофоссулокактусларга чириндиларга бой, рН паст даражада бўлган нордон, тупроқли шароит зарур. Ёзда уларни қуёш нури кўп тушиб куйишдан асраш, кам сугориш, мунтазам озиклантириб туриш керак. Қишда эса кактуслар +10-12 даража илиқ хоналарда, озгина намлантириб турган ҳолда парвариш қилинади.

Эхинофоссулокактуслар уругидан кўпайтирилади.

Зигокактус (Декабрист) — ватани Бразилия.

Зигокактус чиройли гулладиган хонаки ўсимлик. Кактусни ёқтирадиган кишилар хонадониди зигокактуснинг

чатиштирилган ҳар хил навларини учратиш мумкин. Бу кактусларнинг гуллари турлича — оқ, қизил рангда бўлиши мумкин. Рио-де-Жанейро, Бразилиянинг океанга яқин нам ўрмонларида дарахт танаси ва идизларида ўсади. Зигокактус ёзда гуллайди. Хона шароитида ўсганда эса, бу кактуслар ўз «одатлари»ни ташламайди. Шимолий ярим шарда куз ёки қишда, Бразилияда эса ёз бўлганда гулга киради.

Zigon — грекчадан таржима қилинганда «обкаш» маъносини билдиради. Зигокактус бора-бора обкаш шаклига киради, пояси шохлаб яна симметрик тарзда иккинчи «обкаш»и пайдо бўлади. Кактуснинг узунлиги 30 см га етади, тўқ яшил рангда, бўғимлари силлиқ бўлади. Ҳар битта бўғимининг четидан краб қисқичини эслатувчи 2-4 та ўткир тишчалар чиқади. Тишчалар ўртасида ареолалар бўлади, ареолалардан бир нечта ингичка мўйловлар чиқади. Пушти, малина рангдаги гуллар 1-3 та бўлиб ареолаларда очилади. Гулларнинг узунлиги 6-8 см, цилиндрсимон, гул япроқлари юқорига қайрилган. Унинг япроқларини ўртасидан чиққан узун шохчалари кактус гулини янада жозибали кўрсатади.

Зигокактус тик қуёш нури тушмайдиган ёруғ жойни яхши кўради. Ёз кунларида уни қуёш нури тушмайдиган очиқ жойга қўйиш мумкин. Бу кактуснинг гуллайдиган даври кўпинча куз ойига тўғри келади ва гули деярли бир йилга қадар туриши мумкин. Кактусни ёз охирларида балконга қўйиб, то қишнинг биринчи совуқ кунларигача ўша ерда сақлаш мумкин. Кактус гулининг гунчаси пайдо бўлиши билан уларга тунги +15-20 даража илиқ, кундузи +20 даражадан юқори ҳароратли шароит яратилади. Кактусни жанубга қараган дераза тоқчасига қўйган маъқул. Бу ўрмон эпифити соя жойни яхши кўради. Қишда унинг тувагини ёруғликка қаратмаган маъқул. Акс ҳолда кактуснинг гули ва гунчаси тўкилиб кетиши мумкин. Кактусга гуллаш даврида тез-тез сув пуркаб турилади, илиқ сув билан сугорилади. Ҳар ойда азотфосфорли озуқа берилади, суперфосфат шарбати қўйилади. Бу озуқалар, айниқса, гуллаб нозиклашиб қолган кактусларга жуда фойдали. Куз мавсумига

келиб сугориш камайтирилади, озиқлантириш тўхтатилади. Баҳор ва ёз ойларида қуёш нури тик тушадиган жойдан олиб қўйилади.

Зигоактус баҳорда экилади, имкон қадар экиш ишларини узоқ чўзмаган маъқул. Негаки янги ўсиб келаётган бўғимчалари керакли озуқа ололмай кучсизланиб нозиклашиб қолади. Натижада гулга кирмаслиги мумкин. Кактус экиладиган тупроқ унумдор бўлиши керак. Тупроқ тенгма-тенг хазонли чиринди ва йирик қумдан таркиб топади. Америкалик ботаник олимлар тупроқли аралашмага арча пўстлогини ҳам туйиб солишни маслаҳат берадилар. Намлик узоқ вақт сақланиши учун эса тупроқли аралашмага тенг миқдорда сфагнум мохи майдалаб қўйилади.

Зигоактус қаламча ва бўғимларидан кўпайтирилади. Уларни экишдан олдин, албатта, бир ҳафта давомида қуритиш лозим.

ЭПИФИТ ДАРАХТЛАРИ

Эпифит дарахтлари — хонадонни безатишнинг ўзига хос шаклларидан бири. Унинг қулайлиги шундаки, тропик ўрмонлардан келтирилган дарахт катта тувакларга экилади. Мақсад — бу дарахтни ўстириш эмас, балки тупроқдан эмас шу дарахтдан озиқланадиган гулларни ўстириш ва кўпайтириш. Яъни дарахт танасида, шохлари бўғимларида кўпаядиган ўсимликларни парвариш қилиш ажойиб эмасми? Бунинг учун шохлари кўп бўлган эпифит дарахти чуқур тувакка тикка ёки сал ён бошга қийшайтириб экилади. Тувак туби шағал билан тўлдирилади, устидан эса тупроқ сепилади. Тупроққа ерда ўсадиган ўсимликлар: офиопогон, традесканция, маранта кабилар экилади. Бундан ташқари чирмашиб экиладиган ўсимликлар ҳам экилса, улар дарахт шохларига чирмашиб ажойиб манзара ҳосил қилади. Ана энди асосийси дарахт поясига «экиш» ишларини олиб бориш керак. Бунинг учун дарахт танасида сув оқиб, сизиб чиқиб кетиши учун тешик, чуқурча очилади. Шу чуқурчага торф, сфагнумли тупроқ аралашма тўлдирилган кичкина тувакчалар ёки полиэтилен

пакетлар жойлаштирилади. Чуқурча атрофига мох (пупанак) билан шакл берилиб ёпилади. Ўсимлик тупроққа экилади.

Дарахт танаси ва шохларини безаш учун асосан чирмашиб ўсадиган гуллар, ўсимликлар танланади (традесканция, камнеломка, сеткрезия, бегониянинг айрим турлари). Шунингдек сциндапсус, плюш, папоротниклар ҳам шу мақсадда танланиб ўстирилади. Эпифит дарахтига ўсимликлар билан чиройли шакл берилгандагина унинг хонага безак бериш қиммати ортади.

Эпифит дарахтларининг ўлчами хонадонларнинг катта-кичиклигига боғлиқ, агар катта дарахт поясини хонага жойлаштиришнинг имкони бўлмаса, у ҳолда дарахт шохларидан ҳам гаройиб яшил манзара яратиш мумкин, яъни дарахтнинг қалин шохи деворга илинади.

ГУЛТУВАКЛАР ВА ГУЛЛАРНИ КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИШ

Хонаки гуллар очиқ жойга экилишидан аввал улар очиқ ҳаво шароитига ва ёруғликка ўргатилиши керак. Бунинг учун гул туваклари бир неча соатга ҳовли йўлакларига, очиқ дераза токчаларига қўйилади. Гулларнинг очиқ ҳавода туриш вақти ҳар кун и узайтириб борилади. Хонаки гулларни қуёш нури тўғри тушадиган жойга қўйиш ярамайди, улар одатда уйнинг шимол тарафига тушиб турадиган сояга, дарахт сояси тушадиган жойга тахминан бир ҳафтага қўйилади. Ана шундан кейингина тувакдаги хонаки гулларни очиқ ерга ўтқазиш мумкин. Бунинг учун ерда тувак ҳажмидаги чуқур қазилиб гул туваги билан шу жойга ўтқазилади.

Баъзи ёш хонаки гулларни (масалан аралия, герань, драцена, лягуструм, фукция) ерга туваксиз ҳам ўтқазиш мумкин. Мавсум тугатганида, ёзнинг сўнгги кунларида эса гуллар ердан кавлаб олиниб узун илдизлари озгина қирқилади ва тувакка қайта ўтқазиб қўйилади. Салқин тушиши билан гул туваклари билан хонага дераза токчалари ёки киши хоҳиши ва дидига қараб уй бурчакларига қўйилади.

Гултуваклар қандай ўлчамда бўлиши керак? Бу савол кўпчиликти ўлантириши табиий. Гулларни экиш, кўчириб ўтқозишда гултувакларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Уларни танлаётганда ўтқозиладиган ўсимлик хусусиятларини, албатта, инобатга олиш керак. Агар гул чирмашиб ўсадиган бўлса-ю, у ўтқазилган тувак кичкина, яъни саёз бўлса, ундаги тупроқ гул учун етарли озуқа бўлолмайди. Қолаверса, тувакнинг нотўғри танланиши оқибатида тупроқ бижғиб кетиши ва ўсимликка зарар етказиши мумкин.

Баҳорда, ўсимликларнинг айнаи ўсиш, илдиз бериш палласида, улар кучли озуқа талаб қилади, илдизи эса кенг жойда ўсади. Шунинг учун гул ва ўсимликларни март-апрел ойларида кўчириб ўтқозиш керак. Яна шуни ҳам ёдда тутиш керакки, гул ва ўсимлик илдизлари кўпайиб тувак деворига тегиб қолганда, тувакдаги тупроқнинг ҳаммасини ўраб олганда, албатта, уларни кўчириб ўтқозиш лозим. Бунини пайқаш эса жуда осон: ўсимлик илдизи тарвақайлаб кетганидан тувак тагидаги тешиқдан ҳам томирлари чиқиб кетган бўлади.

Хонаки гуллар учун сопол, ёғоч, пластмасса тувакларидан фойдаланиш мумкин. Ёнг муҳими бу тувакларнинг тубида сув оқиб чиқиб кетиши учун тешиқлари бўлиши шарт. Янги сопол туваклар намликни яхши сақлаши учун, улар 1 соатга сувга солиб қўйилади. Агар тувак олдин ишлатилган бўлса, уни иссиқ сувда совунлаб ювиш, сўнг содали сувда қайнатиб, чайиш талаб этилади.

Ўсимликни экиш қондаси қуйидагича: тувак тубидаги тешикка қиррали томони юқорига қаратилиб бир парча сопол синиги солинади, устидан йирик қум ташланади. Айрим кишилар қум ўрнига ҳам сопол синиқларини солишади. Бу ҳам тўғри, лекин бу кейинги ўтқозиш вақтида учли сопол парчаларини кўчираётганда бармоқларни жароҳатлаш эҳтимолини кучайтиради. Яхшиси, сопол парчалари ўрнига майда тошлар солиш керак. Ёнг маъқули эса 1-2 см қалинликда ёндирилган кул билан тешик усти ёпилади. Унинг устидан озуқа захираси сифатида қуруқ ўғит сепилади. Сўнг тупроқ аралашмаси билан тувак тўлдирилади. Тупроққа чап қўл билан ушлаганча ўсимлик илдизидаги гуваласи билан қўйилади, ўнг қўл билан

эса, тувакдаги тупроқ текисланади, яъни ўсимлик илдизлари ёпилади. Ўсимлик ёки гул илдизи тувак четларидан озгина пастроқда жойлашиши керак, йўқса илдиз ортиқча намликдан чириб кетиши мумкин. Тувакдаги тупроқ бир хил зичликда жойлашиши учун тувак таги билан столга астагина урилади. Тувакни тупроқ билан зич қилиб тўлдириш ҳам ярамайди. Бу ўсимлик учун зарар.

Баъзи пайтларда гул ва ўсимликлар илдизидаги лойни алмаштиришга тўғри келади. Бунинг учун тувакдан олинган ўсимлик илдизидаги кесаги билан илиқ сув тўлдирилган идишга солиб қўйилади. Сўнг илдизда қолган лойлар сув сачратиб ювилади ва ўсимлик тувакка экилади. Бу усулдаги экиш ишларидан сўнг ўсимлик барглариغا, албатта, сув сачратиб, пуркаб туриш керак.

Яна бир эслатма: хом, яхши пишмаган сопол туваклар кулранг ёки оч жигар рангда бўлади. Уриб кўрилганда улардан бўғиқ овоз чиқади. Пишиқ сопол идишлар эса қора рангда бўлади. Гул ва ўсимликларни экишда уларнинг иккисидан фойдаланмаган маъқул. Пластмасса гултуваклар узоқ вақт хизмат қилади. Фақат бундай идишдан фойдаланганда сув чиқиб кетиш йўли қаватини қалинроқ қилиш керак. Лекин сопол идишлар сув ушлаш, намликни бир хил сақлаш борасида пластмасса идишлардан афзалроқ.

ТУПРОҚНИ ҚАЕРДАН ОЛИШ МУМКИН?

Бу савол айни ўсимликларни, гулларни экиш, қайта тувакка ўтқазиш вақтида эсга тушади. Баҳорда даладан тупроқ келтириб бўлмайди, дўконда сотиладиган тупроқлар эса бу вақтга келиб сифати бузилган бўлади, қолаверса, ҳар бир ўтқазиладиган гул ва ўсимликлар ўз хусусияти ва хоссаларига кўра турли таркибдаги тупроқни талаб қилади. Шунинг учун баҳорги экиш ҳақида куз мавсумида ўйлаб, тупроқни даладан келтириб қўйишни маслаҳат берамиз.

ЭКИШ УЧУН ТУПРОҚ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Кўпчилик тупроқ қанчалик қора ва «ёгли» бўлса, у шунчалик сифатли деб чириндили, торфли тупроқни танлашади. Бу тупроқдан фақат аралашма сифатида маълум миқдорда фойдаланиш керак. Хонаки гулларни экишда асосан 3 хил — енгил, ўртача, оғир вазнли тупроқ-аралашма ишлатилади.

Учала хил тупроқ таркибида ҳам турлича миқдорда кипиқли тупроқ, қул, чиринди, торф бўлади.

Чириган хазонли тупроқ асосан ўрмонда, қари дарахтлар тагидан олинади. Дарахт тагидаги барглари бир четта сурилиб устки тупроқ (3-5 см қалинликда) — енгил қора тупроқ олинади. Бу тупроқ ўтган йилги баргларнинг чиришидан ҳосил бўлган.

Ажриқли тупроқни яйлов, ўтлоқлардан олиш мумкин. Бунинг учун чимнинг қалин қатлами олиниб, ости қазилади ва шу тупроқ илдизи билан олинади.

Чириган тупроқ — ўғит ва ҳар хил чиқиндиларнинг чиришидан ҳосил бўлади. Бу тупроқни боғбонлардан олиш мумкин. Тим қора, торфли тупроқни ўрмондан топса бўлади. Лекин торфли тупроқ билан торфофекалий лойини адаштириш керак эмас (торфли тупроқ уқаланувчан ва юмшоқ бўлади).

Қўл қумини танлаганда унинг очиқ рангдагисини олиш ва чангдан холи бўлиши учун ювиш тавсия қилинади. Бунинг учун йигилган тупроқлар эланиб, тозаланади. Тупроққа озгина қул қўшиб юбориш фойдадан холи эмас. Бу тупроқ турларини балконда ёки омборхоналарда бемалол сақлаш мумкин.

Масалан, дўкондан туваги билан гул харид қилдингиз. Бир ёки икки йилдан сўнг тувак гул учун кичиклик қилди, энди уни кўчириб ўтқозиш керак. Бунинг учун сиз гулга мос тувак ва тупроқ аралашмасини излаб топиб кўчирасиз. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

Оддий боғча тупроғи тувакни тўлдириш учун ярамайди. У касаллик чиқарувчи микроорганизмлар билан зарарланган бўлиши мумкин. Қолаверса, зарарланган бундай тупроқ хона шароитида бошқа тувакдаги гулларга ҳам касаллик тарқатади.

Хона гулларины экиш учун махсус аралашмали тупроқдан фойдаланилади. Экиш, кучириб ўтқазышга қулай вақт бу баҳор мавсумидир. Баҳорда экилган гуллар илдиизи тезда ўзини ушлаб олади. Ана энди кучириб ўтқазмоқчи бўлган гул учун аввалгисидан кенгроқ тувакни танланг. Тувакнинг ҳаддан ташқари каттасини ишлатиш ҳам яхши эмас, бунда гул ўсишдан орқада қолади.

КУЧИРИБ ЎТҚАЗЫШ ҚОИДАСИ

1. Агар тувак илгари ишлатилган бўлса, уни яхшилаб ювиш керак. Янги сопол идиш эса сувга бўктириб қўйилади.

2. Агар тувак сопол бўлса, остки тешигини сопол синиги парчаси билан ёпинг, устидан юпқа қатлам қилиб тупроқ солинг.

3. Тувақдаги гулга сув қўйинг, 1 соатдан сўнг тувакни ағдарган ҳолда гулни тувақдан олинг.

4. Эски сопол синиқ парчасини олиб ташланг. Эҳтиёт бўлинг, ўсимлик илдиизи лат емасин. Чириган илдиэларини эса кесиб ташланг.

5. Ўсимликни тувақдаги янги тупроққа жойлаштиринг ва секин-аста 1,5 лакни енгил намлантирилган тупроқли аралашма билан тўлдиринг.

6. Гул илдиэидаги тупроқ атрофига аралашмани солинг. Тупроқ илдиэли лойни кўмсин. Тупроқ «ўтириши» учун тувакни столга бир неча марта астагина уриб қўйинг.

7. Кучириб ўтқазиб бўлганингиздан сўнг гулга мўлгина сув қўйинг ва соя жойга бир ҳафта давомида қўйиб қўйинг. Ҳар куни гул баргларига сув пурканг. Шундан сўнг гулни туваги билан керакли жойга қўйиб рисоладагидек парвариш қилинг.

ХОҖА ГУЛЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Гул экилган тувақдаги тупроқ тезда дармонсизланади, таркибидаги минерал озۇқалар қурийди. Гул яхши ўсиши учун тувақдаги тупроққа минерал эритмаларини, ўгит шарбатларини

қуйиб туриш керак. Хонаки гулларни озиклантириш учун гул дўконларида фойдаланиш усули кўрсатилган махсус ўғитли аралашмалар сотилади. Агар яқин атрофда гул дўконлари бўлмаса, бундай озиклантирувчи аралашмаларни уй шароитида ҳам тайёрласа бўлади. 4 литр сувга 0,5 грамм калий хлорид тузи, 4 грамм азотли кальций тузи, 1 грамм калий фосфор тузи қўшилади. Ўғитли аралашма тайёр бўлгач, унга яна 2 томчидан 8 томчигача темир хлориди қўшилади. Худди шунингдек ўғитли шарбатни ҳам уй шароитида тайёрласа бўлади. Бунинг учун 4-5 қисм сувга 1 қисм гўнг солиб аралаштирилади.

Хона ўсимликлари февралдан сентябр ойигача ҳар ўн кунда озиклантирилиб турилади. Минерал ўғит ёки ўғитли шарбат тувак тўлгунча солинади.

ХОНА ГУЛЛАРИНИ СУГОРИШ

Хонаки ўсимликлар ҳар битта гулнинг ўзига хос хусусиятидан, ўсиш шароитидан келиб чиққан ҳолда суғорилади. Масалан, йирик баргли, намлиги тез бугланиб кетадиган лимон, бегония ва бошқа ўсимликларга қараганда алоэ, агава, кактус каби ўсимликлар кам суғорилади, чунки улар сувсизликка чидамли. Циперус сингари ўсимликлар тагига кўп сув қуйилган тақдирда ҳам яхши ўсаверади. Цикламен тугунаклари (пиёзчаси) эса умуман сувни ёқтирмайди. Цикламен туваги таглигига (ликопчасига) сув қўйилади ёки суғоришдан олдин тугунаги атрофига тупроқ уйиб солинади. Кичкина тувақдаги гулларга тез-тез сув қуйиб турилади. Катта тувақдаги ўсимликлар эса камроқ суғорилади. Хона гулларини баҳор ва ёзда кечқурун суғорган маъқул. Куз ва қиш ойларида эса ўсимликларни суғориш ишлари эрталаб олиб борилади. Ҳаво ҳарорати баланд бўлган кунларда гуллар эҳтиёжига кўра уларни кунига икки марта суғориш керак. Тропик ўсимликларга илиқ сув (+20-25 даражадаги илиқ сув) қўйилади. Бу ўсимликлар баргига ҳар куни сув пуркаб туриш керак. Барглари тукли бўлган хонаки гулларга эса тез-тез сув пуркаш ярамайди. Тувақдаги тупроқ қанча кўп юмшатиб турилса, у ўзида намликни шунча кўп ушлаб қолади. Шунинг учун ҳам тупроқни юмшатиш ишлари

қуруқ сугориш деб аталади, чунки юмшоқ туuproқ намликни буғланиб кетишдан сақлайди. Ўсимликни сугориш керакми ёки йўқ, буни тувакка уриб кўриб билиш мумкин. Тувакдаги туuproқ нами кетиб қуриган бўлса тувакдан тиниқ товуш чиқади. Туuproқ нам бўлса тувакдан чиқадиган товуш бўғиқ бўлади.

Хонаки ўсимликларни сугориш учун юмшоқ сув, яъни ёмғир, кўл, кўлмак сувлардан фойдаланган яхши (сув, албатта, хона ҳарорати билан тенг бўлиши керак). Гулларга муздек, совуқ сув қуйилса, ўсимлик илдизи касалланади, барглари, гул ва гунчалари тўкилиб кетади. Ўсимликларга ҳаддан ташқари иссиқ сув ҳам қуйиб бўлмайди, акс ҳолда гул ўсишдан илгарилаб кетиши мумкин. Ўсимликка сув кўп қуйилганда ортиқча сув тувак тагидаги тешикдан сизиб чиқади. Тувак таглигидаги бу сувни тўкиб ташлаш керак.

ГУЛЛАРНИ ХОНАГА ЖОЙЛАШТИРИШ

Ўсимликларни жойлаштириш тартиби ҳам худди сугориш ишлари каби ҳар битта гулнинг табиати ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда хонага, махсус белгиланган жойларга қўйилади. Улар хона бўйлаб шундай қўйилиши керакки, барча тувакдаги гуллар шакли, ранги, гулларининг туси, тувакларнинг катта-кичиклиги билан уйғун ҳолда хонага ўзгача чирой, фойз бахш этсин. Шунингдек, ҳар бир тувакдаги гул ўзига керакли миқдорда ёруғлик ва иссиқлик олсин.

Шипи баланд, дераза ойналари кенг ва катта бўлган хоналар дераза токчасига катта тувакдаги гулларни қўйиш мумкин. Агар хона деразаси кичкина бўлса, катта тувакдаги гулларни полга қўйса ҳам бўлади. Хона деразаси жанубга қараган бўлса токчага биринчи қаторга кактус, алоэ гуллари қўйилади, иккинчи қаторга эса азалия, агава, жасмин, олеандр, камелия каби гуллар қўйилади.

Абутилен, акация, агапантус, кринум, лимон каби ўсимликлар қуёш нурини севади, бу ўсимликлар қуёш нури яхши тушиб турадиган хоналарга жойлаштирилади. Хонанинг деразалари шимол томонга қараган бўлса, бу хона токчаларига аспарагус (спаржа), бегония, папоротник каби ўсимликлар қўйилади.

Хона деворлари оч рангда бўлса, хона рангига уйғунлашадиган ёрқин қизил гулли ўсимликларни шу жойда ўстириб парвариш қилиш керак. Агар хона деворлари гулқоғози ранг-баранг гулли бўлса, бундай хонада оқ рангда гуллайдиган ўсимликларни ўстириб, парваришлаган маъқул.

Циссус (хонаки узум), плюш, традесканция ва бошқа ўсимликлар деразадан икки метр узоқликда қўйилади.

Туя ва кипарис баҳор, ёз ойларида шимолга қараган дераза токчаларига, қиш ойларида эса жанубга қараган дераза токчасига қўйилади. Дераза ойнаси олдидаги стол устига бегония, аукуба, кливия, мирта, палма ўсимликларини қўйиш мумкин.

Чирмашиб ўсадиган хона ўсимликлари эса деворларга илинади.

ГУЛЛАРНИ ВЕРТИКАЛ ҲОЛАТДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Гулларни вертикал ҳолатда жойлаштириш хонада яшил интерьер ҳосил қилади. Бу, айниқса, кичик ўлчамдаги хоналар учун мувофиқ. Осма гуллардан спаржа, антарктика циссуси, традесканция, зебрина, роициссус, сеткрезия, сциндапсус, хлорофитум ва бошқалар туваги билан токча, деворларга осиб қўйилади. Бунинг учун ичига тувак жойлаштирилган турли, чиройли шаклдаги вазалар олинади, улар токчаларга қўйишга ёки деворга илиш учун мулжалланган бўлади. Уларни деворларга илиш қулай бўлиши билан бирга ҳимояланган енгил безакка ҳам эга. Яъни гулларга сув қўйилганда, сув деворга сачрамайди, девордан оқиб тушмайди. Осма вазонамплар турли узунликда эшик тепасига, дераза токчаларига, аркаларга илинади. Улар яшил қандиллар композициясини ҳосил қилади.

Лиан, сциндапсус, плюш, циссус (улар узун ва кўп баргли) каби ўсимликлар тувакли вазаси билан деворга илинганда гул поясини хоҳишга кўра турли томонга йўналтириш мумкин. Агар чирмашиб, осилиб ўсувчи ўсимликлардан композиция ҳосил қилиш истаги туғилса, гулларнинг кичик ўлчамдагиларини танлаш керак. Бунда, албатта, ўсимликларнинг кўриниши,

баргларининг ранг-туси, бир-бирига монанд ва уйгун бўлиши лозим.

Тик ўсувчи ўсимликлардан яшил бурчак ҳосил қилишнинг яна бир оригинал, ўзига хос кўринишларидан бири бу ширмалардир. Бунинг учун махсус қурилмали токчалар керак бўлади. Улар асосан ёғоч, металл, бамбук пояларидан ясалади. Шакл бериб ясалган гул токчаларига (жавон деса ҳам бўлади) тувакларнинг кўриниши, гулларнинг турларига қараб, уларни бир-бирига мослаштириб қўйилади. Яшил ширмаларга асосан циссус, роицсус, сциндапсус, плюш, қўнғироқгул, зебрина, хлорофитум, сеткрезия, плектрантус, аспарагуслар қўйилади. Тик ўсувчи ўсимлик ва гуллардан ташқари чирмашиб, осилиб ўсадиган ўсимликлар токча ёғочларига ўралиб, ўсиб, уйга ўзгача чирой ва файз бахш этади. Ўсимликлар жойлаштирилган токчалар нафақат хонани безовчи, шу билан бирга киши руҳини, асабларини тинчлантирувчи яшил бурчак сифатида хизмат қилади.

ФЛОРАРИУМ ВИТРИНАЛАРИ

Флорариум витриналари расмда кўрсатилганидек аквариум типда бўлиб, шишадан ясалади. Унда бироз инжиқ, ўта қатъий парваришга муҳтож, тропик ўсимлик ва гуллар ўстирилади. Флорариумларнинг ўлчамлари турлича бўлади. Уларнинг шу даражада кичик ўлчамлари борки, уларни дераза токчаси ёки стол устига қўйиш мумкин. Тўғри тўртбурчак шаклидаги флорариум, битта томони қўзғалувчан, ойнасини очиш учун қўлай қилиб қурилган бўлади. Шиша қути ичига гул контейнери (албатта, гидроизоляция ҳисобга олинган ҳолда, яъни сув сизиб чиқиб кетадиган тешик) бўлади. Шиша қутиларнинг кўринишини хоҳишга кўра ўзгартириш мумкин: унга шиша токчалар ўрнатса бўлади. Бу флорариум бир нечта ўсимликни жойлаштириш учун қўлай. Аквариум сифат шиша идишларни анъанадан четга чиқиб тўртбурчак шаклда эмас, кўп бурчакли, цилиндрсимон ва ҳ.к кўринишда яшаш мумкин. Шиша қутилар





қандай шаклда бўлмасин, улардан гул ва ўсимликларга етарли ёруғлик ўтиши, парваришга қулай бўлиши шарт.

Флорариумларда бир хил иқлим шароити яратилади. Шунинг учун бу ёпиқ идишларда тропик иқлимга мослашган ўсимлик ва гуллар ўстирилади. Қолаверса бу шиша «қутилар» (хонадан ташқари бўлган ҳолатларда) ўсимлик ва гулларни қуруқликдан, чанг ҳаводан, совуқ ҳароратдан сақлайди.

ХОНА ГУЛЛАРИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Хона ўсимликлари кўпинча қизил ўргимчак, қалқонли дарахт бити (қалқонсимон қобиқ билан қопланган майда ҳашарот) ва бошқа майда зараркундалар билан зарарланади. Гул дўконларида уларни йўқотиш учун махсус дорилар бўлади. Тайёр ҳолда сотиладиган дорилар қутисида улардан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар бўлади. Зараркунандаларга қарши ишлатиладиган дориларнинг барчаси инсон учун зарарли, шунинг учун уларни қўллаётганда ута эҳтиёткорлик билан ишлаш лозим. Дори кукунидан эритма тайёрланиб гуллар ташқарига олиб чиқилади ва уларга ҳовлида ишлов берилади.

Хонаки гулларнинг касалланмаслиги учун улар баргини баъзан яшил совун эритмаси билан ювиб туриш фойдалидир. Яшил совун таркибида озгина миқдорда тамаки эритмаси бор. Яна таркибида пиретрум (далмат мойчечаги) бўлган яшил совун ҳам бўлиб, у ҳам майда ҳашаротларга қарши курашишда жуда яхши фойда беради. Бир литр илиқ сувга 2-3 грамм совун солинади, бу хона ўсимликларининг касаллиниши ва баргларида зараркунанда ҳашаротларининг кўпайишига йўл қўймайди. Суюқлик гул баргларига пуркалганидан кейин бир неча соат ўтиб ўсимлик барглари тоза, илиқ сув билан ювиб ташланиши керак. Ўсимлик баргларининг устки томони билан бирга остки қисмини ҳам ювиш зарур.

Глоксиния, колеус ва шунга ўхшаш барги қалин тук билан қопланган баъзи ўсимликлар япрогини ювиб бўлмайди. Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган осонроқ.

Шунинг учун хона гуллари доимий равишда тўғри парвариш қилиб борилса, соғлом ва мустаҳкам ўсаётган гул ўзига ҳеч қандай касалликни яқинлаштирмайди.

Ўсимлик — тирик организм. Агар гул баргларининг усти чанг билан қопланса, унинг нафас олиши қийинлашади. Шу сабабли ўсимлик ва тувакларни тоза, озода сақлаш зарур. Гул баргларидан чанг ва кирлар осон кетиши учун сувга яшил совун солиб эритилади. Сўнг шу суюқликка ботириб олинган юмшоқ латта билан барглар артилади. Хона ўсимликларининг саргайган барглари ўткир пичоқ ёки қайчи билан кесиб ташланади.

Гуллар ўстириладиган хона тез-тез шамоллатиб турилади. Қиш мавсумида тувақдаги гуллар совуқ ҳаво кирадиган дарчалар ёнидан олиб қўйилади, бундай вақтда гуллар токчаларга, умуман ўсимликларни барча зарарлардан сақлаш мумкин бўлган жойларга қўйилади. Ёз мавсумида эса хона гулларини очиқ дераза токчаларига, пешайвонларга, боғчаларга қўйган маъқул.

Серилдиз хонаки гулларнинг тарвақайлаб кетган шохлари ҳар йили кесиб турилади (буталанади).

ГУЛЛАР ПАРВАРИШИГА ДОИР КЎРСАТМА ВА МАСЛАҲАТЛАР

1. Аввало, гул парваришида ҳам гигиена муҳим аҳамиятга эга. Бунда япроқли хона гулларининг саргайган баргларини тез-тез териб олиб ташлаш керак. Чунки бу барглар тувақда қоладиган бўлса, чириш натижасида хонада нохуш ҳид пайдо бўлиши мумкин.

2. Гуллар соф ҳаво ва хушбўй ҳидларни севади. Гулларга тоза ҳаво керак, лекин бу эшик ва деразаларни очиб уларни елвизакда сақлаш дегани эмас. Хона гуллари елвизак жойда яхши ўсмаслигини унутманг. Айниқса, кеч куз ва қиш елвизаги гуллар учун жуда хавфли эканини ёдда тутинг.

3. Имкон қадар гулларнинг ҳар бир турини алоҳида хонага жойлаштириш лозим.

4. Баъзи гуллар тинчлик-осойишталикни ёқтиради. Бундай гулларга алоҳида диққат билан қаринг ва кузатинг. Агар сиз гулларнинг тинчлигини бузсангиз, улар касалликка чалиниб қолиши мумкин.

5. Хона гулларининг доимий жойи бўлиши керак. Уларнинг жойини тез-тез ўзгартириш тавсия этилмайди. Ҳар бир жой алмаштириш гуллар учун катта бир йўқотиш бўлиши мумкин.

6. Тувакдаги тупроқ тезда қуриб, ёрилиб кетаверса, унга ёғоч қипиги ёки дарё ва ариқ қумларидан аралаштиринг.

7. Гул тувагига керагидан ортиқ сув қуйманг. Икки-уч соат давомида сувни шимиб олмаса, гул тувагидан сувни тукиб ташланг. Акс ҳолда, ёш илдизчаларни чиритиб юборади.

8. Фикус гулининг барглари ялтираб, жозибали бўлиб турсин десангиз, илдизига бир ошқошиқ канакунжут мойи қуйинг. Бундай мой дорихоналарда мавжуд.

9. Гуллар яхши нафас олсин десангиз, баргларининг чангини тез-тез артиб туринг.

10. Гул парваришида инсон кайфияти ва руҳияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки тирик мавжудот ҳисобланган гуллар нафақат эшитиш, балки уйлаш, сезиш ва ҳис қилиш хусусиятига ҳам эга. Сизнинг кўтаринки кайфиятингиз гулларнинг барқ уриб ўсишига сабаб бўлганидек, тушкун кайфиятингиз гулларнинг қуриб қолишига сабаб бўлишини унутманг.


11. Агар сизнинг хонадонингизда гулнинг аҳволи ёмонлашиб, барглари сарғайиб қурий бошласа, билингки, хонадонингизда тушкун кайфият пайдо бўлган. Бундай кайфият ҳукмрон жойда

гуллар ўзини кераксиз ҳис қилади ва у жойда узоқ «яшай олмайди».

12. Қандай гулни парвариш қилишни ёқтиришингиз сизнинг феъл-атворингизни белгилаб беради. Жумладан, алоэ, агал, кактус каби гулламайдиган хона гуллари доимий руҳий «хиралик»да юрадиган феъли оғир кишилар хонадонида кўпроқ ўстирилади.

13. Гул парвариши киши кўнглини юмшатиши, ҳар қандай дағал феълли одамни ҳам мулойимлаштириб, назокатли инсонга айлантиришини унутманг.

14. Гул ўстиришнинг энг муҳим кичик шarti — уларни севиш. Улар билан ҳатто суҳбатлашиш мумкин. Уларга қараш, ўз вақтида парвариш қилиш эса кейинги муҳим масалалардан.



Мундарижа

ГУЛЛАР ҲАҚИДА	3
КАКТУСЛАР ДУНЁСИ	14
ЭПИФИТ ДАРАХТЛАРИ	25
ГУЛУВАКЛАР ВА ГУЛЛАРНИ КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИШ	26
ТУПРОҚНИ ҚАЕРДАН ОЛИШ МУМКИН?	28
ЭКИШ УЧУН ТУПРОҚ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?	29
КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИШ ҚОИДАСИ	30
ХОНА ГУЛЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ	31
ХОНА ГУЛЛАРИНИ СУҒОРИШ	31
ГУЛЛАРНИ ХОНАГА ЖОЙЛАШТИРИШ	32
ГУЛЛАРНИ ВЕРТИКАЛ ҲОЛАТДА ЖОЙЛАШТИРИШ	33
ФЛОРАРИУМ ВИТРИНАЛАРИ	34
ХОНА ГУЛЛАРИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ	35
ГУЛЛАР ПАРВАРИШИГА ДОИР КЎРСАТМА ВА МАСЛАҲАТЛАР	36



42.374

X-74

Хона гуллари парвариши/ Тўпловчи М. Рихсибекова.
- Toshkent: «DAVR PRESS», 2008. – 40 бет.

1. Рихсибекова М.(Тўпловчи).

ББК 42.374

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР

ХОНА ГУЛЛАРИ ПАРВАРИШИ

Тўпловчи: Муҳайё Рихсибекова

Бош муҳаррир Улугбек Урунов
Муҳаррир Дилноза Зуннунова
Техник муҳарир Жаҳонгир Абдужалилов
Мусаҳҳиҳ Азиза Ҳайитова
Саҳифаловчи-дизайнер Муштарий Абдужалилова

2008 йил 23 июнда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 ^{1/16}
«Baltica APP» гарнитураси. Шартли босма табағи 2,5.
Нашриёт ҳисоб табағи 3,42. Адади 3000 нусха. 1-завод 1500 нусха
119-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет «DAVR PRESS» нашриётида тайёрланди.
«MAXIGRAF PLUS» МЧЖ пинг матбаа бўлимида офсет усулида чоп этилди.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, 20¹-даҳа, 42-уй. Тел 216-9014, 307-1061
Web: www.lngrp.uz E-mail: davr-press@mail.ru